



Тор, кийшик кўчанинг ўксик окшомини Турсункул аканинг чурук даивозаси тепасига ўткизилган бир фанорнинг титрак нурларигина ёритар эди. Уни хар кун кечкурун паст бўйли, бурушик юзли бир чол келиб, ёкиб кетар эди. Биз уни «Фанорчи ота», дер эдик. У жуда юввош, индамас кишийди, кичкина нарвончасини чаккон кўйиб, аллакандай усталик билан чикар, кўлтигидан кир рўмолчасини олиб, авайлаб фанор ойналарини артарди. Фанорни ёккач, ерга тушиб, обкашдек букилган елкасига нарвончасини кўйиб бирпасда кўздан йўколар эди.

Фанор курилган вақтларда бутун махалла кувониб, унга аллакандай меҳр ила караган бўлсалар-да, вақат бу меҳр узокка чўзилмаганди. Кейинча хар ким унга парвосиз бўла бошлади.

Айникса, махалла болалари ила фанор орасида англашилмас душманлик уйгонди.

Тўпланишиб, аввало бир-биримизнинг дўппимизни отишар, фанорга дўппи кийгизган ўртоқ мерганлиги ила керилар эди. Кейинча бу хам бизни зериктира бошлади. чунки пистон кадалган ёки хар турли ипаклар билан безалган дўппини кийиб олиб, фанор чиройли бир тус олар, бизни хафа килгандек бўлар эди. Шунинг учун кўлимизга тош, кесак олиб, фанорга хужум килишни ўргандик. Бунда у жуда кучсиз эди: кичкина бир кесак ёки тош парчаси бечора фанорнинг ойна кўзларини ўпириб туширарди.

Кейин-кейин Фанорчи ота хафтада уч-тўрт марта унга «янги кўзойнак» такиб кетишга мажбур бўларди. У кетди, дарров биз янги «кўз»ини ўйиб олардик. Шундай бўлса-да, Фанорчи ота «Лом» деб огиз очмасди. Унинг бу килиги бизга сира ёкмас, тутиб олиш учун пойласа, хатто биронтамизни тутиб урса экан, дер эдик. Аммо шу тилаклардан биттаси хам юзага чикмасди.

Бир кун, намозшом вақти, кўчада болалар кўп эди. Ичимизда энг кўп кўркмайдиган, энг баттол Косим чўлок:

«Болалар!» — деди. Чангга ботган юзларимиз янги бир нарса кутиб, унинг кўзларига тикилдик.

— Фанорчи ота келадиган вақт якин. Синдирамиз. Нима килар экан? — деди-да, кўлга илинадиган бир нарса кидира бош лади.

Кўлларимиздан гизиллаб учган тош-кесаклар фанорнинг хамма кўзларини тешиб ўтган эди. Узокдан Фанорчи отанинг букилган кичкина комати якинлаша бошлади. Нарвонча елкадан тушиб, таъзим ила деворга суянди. Фанорчи ота унинг устига чикди-да, «чирт» этиб, гугуртни ёкди: фанор тўрт тарафдан кулаган уй каби ажава тусда, яна бир томонга кийшайиб турар эди. Биз хаммамиз керилиб турар эдик. Баъзилар «пик-пик» кулишди. Чол касал одамга ўхшаб, секин-секин пастга тушди. ўсик кошлари тагида кисилиб ётган кўзлари ила хаммамизга ялингансимон каради-да, майин бир товуш билан:

— Тентак болаларим, бу кандай гап? Фанорга тегмасанглар, бир нарса бўладими? У юкорида, сизлар пастда ўйнай беринглар-да.

Болалар жим бўлган эди.

— Сизлар хали ёш, кўзларингиз ўткир. Коронги хам, ёруг хам баравар. Хуфтон бўлмасдан оналарингизнинг кучогида пиш-пиш ухлаб коласиз хаммангиз. Бизга ўхшаш кари-картанглар учун чирог жудаям керак, — деди.

Болаларнинг кўзи чолда эди.

— Тунов куни кечаси каттик ёмгир ёғиб турган эди. Бу ёкка келсам, кўча коп-коронгу. Фанорнинг тешик ойнаси дан шамол кириб ўчириб кўйган. Ана у арикнинг бўйига бор ганимда бир нима сувни шапиллатарди. Ёпирай, нима экан, деб фанорчамни ариikka тутсам, мендан хам кари бир киши арик дан чиколмай ётган экан. Дарров кўлидан тортдим, бир амаллаб четга чикардим, хамма ёғи лой, жик-жик сув.

Болалардан бири:

— Вой, боякиш, соколиям, юзиям лойми?

— Хамма ёғи лой бўлган... Кейин етаклаб уйига элтиб кўйдим, — деди чол.

Менинг кўзимга Фанорчи отанинг дегани шундай кўриниб келганди, Косим чўлок:

— Ёлгон-ёлгон! — деб бакирди. Болалар бирдан:

— Рост! — деб жавоб кайтаришди.

— Ким энди синдирса, шуни тутиб берамиз отамга, — деди Ахмад.

Фанорчи ота:

— Ха, баракалла, энди синдирмайсизларми? — деди.

— Йўк-йўк, — жавоб бердик биз шу замон. Кичкина нарвонини яна елкасига илиб, чол коронгиликка кириб йўколди.

Шундан бери, хакикатан, фанорга хеч шикаст тегмади. Хозир шу фанорнинг ўрнида сим тўр билан ўралган тухумдан каттарок электр лампочкаси ёниб туради. Унинг учун на ёкувчи, на гугурт, на мой керак. Хеч бир бола тегажаклик килиб тош хам отмайди. Унинг ёругида юрганда ёшлигимнинг бир парчасини ва Фанорчи отанигина хотирлайман.